

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

النشرة
العلمية العالمية

SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN



2/2012

Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев Р.В.
(бош муҳаррир)
Махсудов Д.Р.
(масъул котиб)
Абдуҳалимов Б.А.
Акмалов Ш.И.
Аъзамхўжаев С.С.
Валиев Б.Н.
Исломов З.М.
Камилов К.С.
Мансуров А.Д.
Муҳамедов Н.А.
Раҳимжонов Д.О.
Тошқулов Ж.
Ҳасанов А.А.



© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012.

Мундарижа

Сўз боши	3
<i>Миллатлараро тотувлик</i>	
Р. Ражабов. Ўзбекистон араблари ва улар истиқомат қиладиган аҳоли масканлари хусусида	4
Ш. Исқандаров. Ўзбекистон арабларида миллий ўзликни англаш: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар	9
<i>Таълим ва тарбия</i>	
К. Камилов. Ўзбекистонда диний таълим: дунё тажрибаси ва ривожланиш тенденциялари	12
Р. Джуроева, Н. Абдуллаева. Исломишунослик фанларини ўқитишда мультимедиа воситаларининг ўрни	14
Б. Исхаков. Ўзбекларнинг замонавий экологик маданияти	17
<i>Исломишунослик (динишунослик)нинг долзарб масалалари</i>	
Н.Тўйчиева. “Қалаңдар” атамасининг этимологияси хусусида	21
Н.Турсунов. Францияда мусулмон-иммигрантларнинг француз жамиятига интеграциялашуви муаммолари	25
М.Муҳамедова. Бухоро тарихий ёдгорликларини таъмирлаш, сақлаш ва замонавий музейлаштириш муаммолари	28
Ш.Ходжимашрапова. Усулул-фикҳнинг ҳуқуқий ва фалсафий билимлар орасидаги ўрни билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар	30
З.Тўйчибаева. Беруний асарларида айрим диний масалаларнинг қиёсий ўрганилиши	35
<i>Мозий ва алломалар мероси</i>	
Г.Ачилова. Чигатой улуси хонлари орасида ислом динининг тарқалиши	38
А.Тўйчибаев. Абу Бакр Сарахсийнинг халқаро ҳуқуқий таълимотга оид қарашлари	41
С.Жамалов. Кардарлик фақиҳларнинг илмий фаолияти	44
У.Мавлянов. Али Сафийнинг илмий мероси	47
Ў.Султонов. Шайх Хованд Тахур қурдирган масжид ҳақида	50
<i>Фалсафий фанлар, филология ва психология</i>	
Х.Алимова. Форс-дарий тилларида ҳозирги ва келаси замон сифатдошларининг отлашуви	53
Ж.Алиев. Диний омиа моҳиятини англашнинг назарий-методологик жиҳатлари	56
Ю.Досжанова. Шахс эътиқодининг психологик таққини	59
Қ.Махаров, М.Раҳимова. Овозли ахборотларни тармоқ орқали узатиш	62
Б.Каримов. Софдил инсон, ватанпарвар етук олим	65

ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Этномиллий ўзликни англаш халқнинг миллий ва ментал хусусиятлари, унинг ҳозирги ва узоқ муддатга мўлжалланган манфаатларини рўёбга чиқариш шарт-шароитлари ва омиллари тўғрисида тасаввурлар беради. Анъанавий қадриятлар ўз-ўзини англашнинг ички салоҳияти эканлигидан ҳамда жаҳонда рўй бераётган глобал ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатлари маданиятига сингиб кетган қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этаётганлигини англашга кўмак беради.

Турли халқларнинг турмуш тарзи ва маданияти, миллий характери, менталитети табиий-географик муҳитга ва шу асосда шаклланган хўжалик фаолияти ҳамда унинг маданий-хўжалик анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки табиий шароитнинг таъсири, белгилари этник маданиятнинг барча соҳаларида, яъни ишлаб чиқариш воситалари, айниқса меҳнат қуроллари, турар жойлар, уй-жой қурилиши, кийим-кечаклари ва рўзғор буюмлари, хўжалик-маданий анъаналари ҳамда халқларнинг этник хусусиятларида ҳам намоён бўлади.

Шубҳасиз, бу борада Ўзбекистоннинг турли тарихий этнографик минтақаларида яшовчи этник ва этнографик гуруҳларнинг этномаданий идентиклиги (этник ўзликни англаш), нафақат этнологлар учун қизиқарли илмий муаммо, балки замонавий этномаданий жараёнларни таҳлил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлган мавзулардан бири саналади.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат. Албатта, асосий кўпчиликни ўзбеклар ва бошқа туб халқ вакиллари ташкил этади. Аммо биз бугунги кунда тупроғимизда яшаётган юздан кўпроқ миллат ва элат вакиллари, уларнинг маданиятлари ва анъаналари ривожини ҳам ўйламасак бўлмайди”¹.

Айнан мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ халқлар ва элатлар билан

¹ Каримов И. А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т. I. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.13.

бирга Ўзбекистонда яшовчи арабларда ҳам миллий ўзликни англаш, анъана²лар ва маънавий қадриятларни эъзозлаш туйғулари ривожланмоқда. Бундай туйғулар этник ўзликни англаш билан бирга, умуман инсоний қадрият ва манфаатлар муштараклигини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Бугунги кунда жамиятдаги миллий этник жараёнларнинг ривожини ҳозирги замон нуқтаи назаридан ўрганиб, таҳлил этиш самарали йўлдир.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган, кўп миллатли жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган араблар ҳаётида бу даврда содир бўлган ўзгаришлар, энг аввало, уларнинг миллий ўзликни англаш, миллий урф-одатларни тиклаш каби ташаббусларида яққол намоён бўлди. Буни кейинги йилларда чоп этилган бир қатор нашрларда келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди³.

Араблар Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида алоҳида қишлоқлар ёки маҳаллаларда яшайди. Айнан араблар асрлар давомида ўзбек халқининг ажралмас бир қисмига айланиши билан бирга уларнинг сезиларли бир қисми ҳозирги кунгача этник ўзлигини сақлаб келмоқда.

Бир қатор тадқиқотчилар томонидан олиб борилган тарихий-антропологик изланишлар натижасида уларнинг қиёфасида олд осиеликларга хос хусусиятлар устуворлик қилиши аниқланган. Хусусан, ушбу этнографик гуруҳ орасида қадимги сомийларга хос асосий икки антропологик хусусият: жанубий ва шимолий тармоқ белгилари баъзан алоҳида, баъзан аралаш учрайди. Шунингдек, уларда Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типига хос кўринишлар ҳам сезиларли даражада ўрин эгаллаганлиги кўзга ташланади.

Арабларга хос хусусиятлар борасида фикр билдирганда аҳоли рўйхати масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, бу борада XX асрнинг бошларида, хусусан, 1926 йилда ўтказилган аҳоли ва қишлоқлар ҳисоб-китобига

² Анъана – ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган моддий ва маънавий қадрият.

³ Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996; Саидов М. Ислохотнинг Жейнов мактаби. – Қарши: Насаф, 2005; Тўрақулов Э., Шоназаров Ш. Дарғомлик араб авлодлари. – Самарқанд: Сугдиёна, 1998; Турсунов Ф. Мозийга буйлашган қишлоқ (Касби туманидаги Қамаш қишлоғи тарихига бир назар). – Қарши: Насаф, 2006.

В статье анализируется специфика национального самосознания узбекистанских арабов: традиционные и трансформационные процессы, национальная культура, обычаи, современные традиции арабского народа. Появление новых форм свадеб, семейных мероприятий, изменения, происходящие в проводимых по-новому традиционных праздниках арабского народа, являются причиной изменения обычаев, дошедших до нас с древних времен, основной причиной изменения – интенсификация процесса глобализации. В научной и специальной литературе последних лет всё чаще используются термины «традиционные праздники», «новые традиции».

Несмотря на то, что арабская диаспора в массе местного населения и претерпевает процесс ассимиляции культур, она сохранила свою этническую специфику, что отражается в существовании группы населения, до сих пор частично сохраняющей себя «арабами», или же частично сохранившей свой родной язык. Также арабы, являясь искусными мастерами, сохранили традиции арабского ковроткачества среди местного населения.

Self-awareness of Arabs in Uzbekistan: traditionalism and transforming processes, national culture, customs and traditions are entering. Newfangled Arabian wedding ceremonies, family customs, changes in stylish Arabian residences and holidays, and the entrance of modern traditions into Arabic customs are causing for the long lasting traditions to change. The reason being that is to dramatically increase in the period of globalization. Nowadays the phrases as "traditional holidays", "new customs" are being utilized in scientific documentary evidences.

Some Arabs still kept their ethnic peculiarities while others were assimilated into local inhabitants. It finds its reflection in the existence of Arabs who still considered themselves "Arabs" and who partially preserved their mother tongue. This is respectively conspicuous that the inhabitants valued Arabic carpets sufficiently.

кўра Қашқадарё вилоятида 1187 манзилда 341 491 фуқаро яшаган. Умуман олганда, вилоят ҳудудидаги қишлоқларнинг 29 тасида араблар яшаган⁴. Шунинг эътиборига олишимиз лозимки, XX асрнинг 50—60-йилларига келиб Ўрта Осиё арабларининг умумий сони 6,4 минг бўлган бўлиб, шундан Ўзбекистонда 5,4 минг бўлган⁵. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиб келаётган арабларнинг сони 1926 йилда 27977, 1979 йилда 2039, 1989 йилда 2805 деб таъкидланади⁶.

XIX аср охири XX асрнинг бошларида жанубий Сурхон воҳасида араблар Шеробод беклигининг Работак қишлоғида яшашган. Бу қишлоқ Шамол, Бой, Сари (1926 йилда 228 хўжалик бўлган) каби

3 қисмга бўлинган. Ўтмишда Работак ҳақида “уч юз уйли араб” деб аталган⁷.

Этнограф олима Б.Х. Кармишева узоқ йиллар давомида Ўзбекистон ва Тожикистонда яшовчи араблар тарихи билан шуғулланган. Унинг илмий изланишларининг маълум қисми араблар қисматида ҳам тааллуқлидир. Олиманинг таъкидлашича, араблар икки республиканинг жанубий минтақаларида кичик гуруҳлар тарзида яшаб келганлар ва асосан ўзбек ва тожик тилларида сўзлашганлар⁸.

Айниқса, элшунос олима Қуйи Қашқадарёнинг Жейнов қишлоғида яшовчи араблар ҳақида диққатга сазовор маълумотлар тўплаган. У 1957 йилда Қашқадарёнинг қуйи қисмида жойлашган Жейнов қишлоғида бўлганида, унга жейновлик араблар Ҳисорда қариндош-уруғлари борлигини айтиб берганлар. Қурғоқчилик бўлган йиллари жейновлик чорвадорлар Ҳисорга⁹, қариндошлари ҳузурига отларини ҳайдаб кетганлар. XX аср бошларидан бошлаб араблар ўтроқлаша бошлаган.

Ўз ўрнида шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, айнан XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб маҳаллий арабларнинг анъанавий турмуш-тарзи ва маданиятини ўрганиш борасида янги давр бошланди.

Ўзбекистон арабларининг анъанавий маросимларидаги ўзгаришларда янгича тўйлар, оилавий маросим, янгича уй-жой ва байрамлардаги ўзгаришлар ҳамда ҳозирги вақтда янгича анъаналарнинг кириб келиши қадимдан давом этиб келаётган урф-одатлар ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бунинг сабаби глобаллашув жараёнидаги жадаллашувдир. Кейинги пайтлардаги илмий ва махсус адабиётларда “анъанавий байрамлар”, “янги анъаналар” каби тушунчалар кўпроқ ишлатила бошланди. Жейнов арабларининг тўйлари ҳам замонавийлашиб кетган. Тўй базмларида имкониятга қараб стол ва стуллар қўйилади, меҳмонлар таклиф этилади.

⁷ Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (XIX аср охири XX аср бошлари). Дис. афтореферат. – Т.: 2006. – Б. 63.

⁸ Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. – Т.: Абу Али ибн Сино, 1996. – Б. 19.

⁹ Кармишева Б. Х. Основные виды переносного жилища узбеков и кочевые жилища народов Средней Азии и Казахстана. – М. 2000. – С.50-70; Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистан и Узбекистана. – М., 1976. – С. 252.

⁴ Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. – Т.: Абу Али ибн Сино, 1996. – Б. 33.

⁵ Қаранг: Ўзбек совет энциклопедияси. 1-жилд. – Т.: 1971. – Б. 425 – 426.

⁶ Этнический атлас Узбекистана. – Т.: 2002. – Б. 27.

Одатда, қишлоқларда кам деганда 300 — 500 киши тўй оқшомида иштирок этади¹⁰. Бу борада қўшни Сурхондарё вилоятида яшовчи арабларда эса бирмунча аввалроқ, аниқроғи Денов туманида биринчи марта янгица замонавий тўй маросим 1956 йилда ёз ойида бўлган¹¹. Работ қишлоғига 1971 йил стол-стулли тўй маросими ўтказилди¹². XX асрнинг охириги йилларида арабларнинг анъанавий маданияти трансформация¹³ га учраши, янгица анъанавий маросимлар кириб келишининг асосий сабаби ички ва ташқи омиллар таъсиридир. Жумладан, араб халқининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири бўлган тўй, мотам, диний маросимларнинг совет тузуми даврида қаттиқ қаршиликларга учраши арабларнинг ҳам турмуш-тарзи ўзгаришига олиб келди.

Ўзбекистонда яшовчи араблар турмуш тарзининг ўзгаришида ўзбекларнинг маданий таъсири катта. Аввало, уларнинг катта бир қисми мамлакатнинг ўтроқ — деҳқончиликка мос ҳудудларида яшаб, боғдорчилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик каби касбларнинг моҳир усталарига айланишган бўлса, сезиларли бир қисми эса азалий чорвадорлар бўлиб, мамлакатнинг чорвачиликка мос дашт ҳудудларида истиқомат қилишади. Араблар асрлар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляция жараёнларига тортилган бўлсалар, уларнинг бир қисми ўз этник ўзлигини сақлаб қолганлар. Булар орасида ҳалигача ўзларини “араб” деб эътироф этувчи ёки ўз она тилларини қисман сақлаб қолган аҳоли гуруҳининг мавжудлигида ўз ифодасини топади. Шунингдек, араблар моҳир ҳунармандлар бўлиб, улар томонидан тўқилган “араби гиламлар” маҳаллий аҳоли орасида анча қадрланади.

Ҳар бир халқнинг юқори даражасида ўзликни англаш, миллий ғурур, ватан фидойиси бўлиш, ўз халқидан фахрланиш ҳисси ўша давр жамияти тартиб-қоидаларига кўра, кўпчиликда бир хил, юксак савияда бўлади. Аҳолининг ўзликни

англаш даражаси фуқароларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш-тарзига айланади¹⁴.

Г.В.Шелепов этник жамоани “келиб чиқиши ва унинг этник ўз-ўзини англашида намоён бўлиши, тил, ҳудуд, маданият ва турмушнинг баъзи белгиларининг бирлиги асосида шаклландиган маълум тарихий ва иқтисодий шарт-шароитлар натижасида пайдо бўладиган ижтимоий жамоанинг махсус кўринишидир”¹⁵, деб таърифлайди.

Миллий ўзликни англаш муайян этник бирликка, миллий давлатга мансуб бўлиб, унинг олдидаги бурч ва масъулиятни англаш, шу миллатнинг моддий ва маънавий қадриятларини, манфаатларини ҳимоя қилишга ва ривожлантиришга, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга йўналтирилган умумлашган назарий қарашлар ҳамда амалий ҳаракатларнинг ифодасидир¹⁶.

Миллий ўзликни англаш масаласига тавсиф беришда комплекс ёндашув анъанавий ва ҳозирги замон институтларининг (оила, маҳалла, мактаб, ОАВ, давлат ва нодавлат ташкилотлар, фондлар) фаолиятларини бугунги реаллик асосида ўрганиш зарурий аҳамиятга эгадир¹⁷.

Ўзликни англаш муаммоси индивидуал ва ижтимоий онг, фан ва амалиёт учун фундаментал аҳамиятга эга, унинг турли аспекти билан фалсафа, руҳшунослик, антропология, социология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, диншунослик, ҳуқуқшунослик, тарих ва бошқа фанлар шуғулланади. Ўзликни англаш сиёсат, амалиёт, халқаро муносабатлар ва бошқарув нуқтаи назаридан ҳам ўта аҳамиятлидир¹⁸. Ҳар бир миллат бошқаларга ўхшамаган удумлари, ўзига хос яшаш тарзи билан гўзал. Демак, тараққий этган давлатларда ҳар бир миллатнинг миллий хусусиятларига ҳурмат билан қаралишида улкан маъно бор. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам миллатлар орасидаги тенгҳуқуқчилик, ҳар бир

¹⁴ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. — Т.: Университет, — 2007. — Б. 317–318.

¹⁵ Шелепов Г.В. Общность происхождения — признак этнической общности // Советская этнография. 1968. № 4. — С. 73.

¹⁶ Хайитов З. Мустақиллик шароитида миллатларнинг миллий ўзлигини англашининг ривожланиш хусусиятлари (Ўзбек халқи мисолида): автореферат. канд. филос. наук. — Т.: 2007. — Б. 11.

¹⁷ Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. — Т.: Молия институти, 2004. — Б. 107.

¹⁸ Файзуллаев А. Миллат, давлат ва инсоннинг ўзини англаши // Тарих ва ўзликни англаш: Ўзбекистон ва Германия XX асрда. — Т.: 2007. — Б. 28.

¹⁰ Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996. — Б. 257.

¹¹ Дала ёзувлари: Сурхондарё вилояти Денов тумани Юрчи қишлоғи, Қораев Зикир бобо. 17. 08. 2011 й.

¹² Дала ёзувлари: Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Работ, Намозов Худойберди. 09. 08. 2011 й.

¹³ Трансформация — лотинча сўз бўлиб, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтиш ёки бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш, ўзгариш каби маъноларни англатади.

миллатнинг урф-одатлари, анъаналарига, тили ва удумларига ҳурмат билан қараш тамойиллари қонун билан кафолатланган.

Илмий тадқиқотларимиз натижасида Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинг этник ўзликни англашини, биринчидан, ёш авлоднинг миллий ўзликни англаши, ахлоқий етукликни шакллантиришда ва турмуш тарзининг ривожда кадриятларнинг муҳим ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда умуминсоний кадриятларнинг ўзаро алоқадорлигини назардан четда қолдирмаслик зарур; иккинчидан, Ўзбекистонда яшаб келаётган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, араб ва бошқа миллат, элат вакиллариининг ҳам этник ўзликни англашида миллий урф-одат анъаналарини ривожлантириш ҳамда маданий-маърифий, ижтимоий, ҳамкорлик ишларини олиб бориш шарт; учинчидан, Ўзбекистон араблари миллий ўзлигини англашнинг энг муҳим устувор жараёни, хўжалиги, моддий ва маънавий маданиятининг ўзига хос этнолокал хусусиятларини илмий жиҳатдан тўлақонли ва холис ўрганиш этнологиясининг янги саҳифалар билан бойитишга хизмат қилади.

Ўзбекистон арабларининг миллий анъанавий ва замонавий трансформацион ўзгаришлар натижаси шуни кўрсатдики, мавжуд манбалар ва адабиётлар муаллифлари Ўзбекистондаги арабларнинг этник тарихи, урф-одати ва маросимлари ҳақида баъзи этнографик маълумотлар берганлар. Лекин уларнинг ишларида араб халқининг идентиклик (этник ўзлигини англаш) га оид махсус маълумотлар учрамайди.

Шерзод ИСКАНДАРОВ,

Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети
стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.



ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ТАЪЛИМ: ДУНЁ ТАЖРИБАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Маълумки, глобаллашув шароитида жамият ҳаётининг барча йўналишлари қаторида диний соҳада ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, бугунги кунда мутахассислар сўнгги юз йил мобайнида дунё миқёсида диний таълим тизимининг ривожланиши хусусиятларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш жоиз.

Умуман олганда, ҳозирда инсоният истиқболини белгилаб берувчи муҳим соҳалардан бири бўлган таълим нафақат, конкрет давлат даражасида, балки минтақавий ва глобал миқёсдаги ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Чунки, “Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди”¹.

Глобал миқёсда таълим масалаларини ҳал этишда БМТ қошидаги ЮНЕСКО ташкилоти алоҳида аҳамият касб этади. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ушбу ташкилотнинг 1945 йил 16 ноябрда қабул қилинган Низомида ташкилотнинг таълим соҳасига доир ваколатлари (мандатлари) ўз аксини топган. Унинг бўлинмалари томонидан аъзо мамлакатларда таълим соҳасини ривожлантириш, дифференциал ёндашувга асосланган таълим дастурлари ва технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тизимли равишда ташкилий, ўқув-услубий ишлар амалга оширилади².

Париждаги ЮНЕСКО Котибиятининг таълим сектори, ташкилотнинг минтақавий бюрolari ҳамда унинг қошидаги таълим соҳасига ихтисослашган 8 та институт фаолияти глобал аҳамиятга молик таълимга доир лойиҳа ва дастурларни мувофиқлаштириш ва самарали бажарилишини таъминлашга қаратилган. Улар орасида ўқув режа ва дастурларини яратиш, ўқитиш методлари ва методологияси, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш лойиҳалари ҳамда таълим тизимларини ислоҳ этиш билан боғлиқ масалалар билан шуғулланадиган Женевада жойлашган Халқаро маориф бюроси (МБП) фаолияти эътиборга молик. Бюро томонидан ҳар тўрт йилда вазирлар даражасида таълим бўйича Халқаро конференция ўтказилади.

ЮНЕСКО томонидан таълим муаммоларига бағишлаб эълон қилинадиган “Перспективы”

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 60-61.

² Бу ҳақда қаранг: www.unesco.ru, <http://nasledie-unesco.ru>.